O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
SHAYXONTOHUR TUMAN
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ШАЙХОНТАХУРСКОГО
РАЙОНА ГОРОДА ТАШКЕНТА

551 -son

20 20 yil « 23 » сентябрь

Тошкент шаҳри

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2021 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 07/19/4227/2782-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда 3163-рақами билан рўйхатдан ўтказилган) “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари

миллий базаси, 31.05.2019 й., 10/19/3163/3221-сон) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун Шайхонтоҳур туманида 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2021 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади) учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача 1798 иш ўрнини ташкил этадиган миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун (862 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 62 та бўлганлиги сабабли, келгусида 800 та иш ўринни умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун (494,5 та);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун (263 та);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун (172 та);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун (162 та);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун (98та);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун (31та) миқдорида иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга ;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ ;

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос ;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган ;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган ;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган ;

одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган .

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош,

ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. 2-иловада қайд этилган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2021 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, заҳирага қўйиладиган умумий иш ўринлари сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун заҳирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2021 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

Ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Холмўминов):

ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилот, корхона ва муассасаларга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳаққининг 2 баробари миқдорида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ҳақ тўланишини таъминласин;

Мазкур қарорни беш кун муддатда заҳира ўрин яратаётган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказсин ва туман ҳокимининг қарори бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

8. Туман ҳокимлиги Матбуот котиби (С.Муртазакулов):

мазкур қарор “Тошкент оқшоми” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Мавланов зиммасига юклансин.

Шайхонтоҳур туман ҳокими **А.Тухтаев**

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг
2020 йил “ 23 ” сентябрдаги
551 -сон қарорига
1 -ИЛОВА

Шайхонтоҳур туманидаги ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:
Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Р.Мавлонов

Комиссия аъзолари

Туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи — У.Назруллаев

Туман молия бўлими бошлиғи — Й.Юсупов

Молия вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи — Б.Бафоев

Туман ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи — А.Холмўминов

Туман ижтимоий кўникма маркази рахбари — Н.Жўрамуродов

Туман мудофаа бўлими бошлиғи — Ш.Холбаев

Туман Ахоли бандлигига кўмаклашиш марказининг Бандлик минтақавий дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш шўъбаси мудири — А.Рахимова

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг
2020 йил “ 23 ” сентябрдаги
531 -сон қарорига
2-ИЛОВА

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2021 йилда иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхона ва ташкилотлар рўйхати

№	Шайхонтохур туманидаги ташкилотлар номи	Ташкилотда умумий ишловчилар сони	Яратилган махсус иш ўринларнинг банд қилинган сони	Шундан						
				Ногиронлар учун	Таълим муассасасини тугатган ёшлар учун	БКМда иш қидирувчи сифатида хисобда турган пенсия ёшига якинлашиб қолган шахслар учун	Муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	Ёлғиз ота, ёлғиз она хамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун	ЖИЭМлардан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун	Одам савдосидан жабрланганлар учун
1	40-сонли Оилавий поликлиника	165	16		6	2	2	2	2	2
2	41-сонли Оилавий поликлиника	96	7		5			2		
3	42-сонли Оилавий поликлиника	120	12		5	1	1	2	2	1
4	43-сонли Оилавий поликлиника	170	10		5	2	1	1	1	
5	44-сонли Оилавий поликлиника	73	6		3	1	1		1	

6	45-сонли Оилавий поликлиника	112	6		4			2		
7	46-сонли Оилавий поликлиника	130	6		3	1		2		
8	47-сонли Оилавий поликлиника	117	11	1	5	1	1	1	1	1
9	48-сонли Оилавий поликлиника	105	14	1	6	2	1	2	1	1
10	Марказий кўп тармоқли поликлиника	220	22		20		1		1	
11	1-сон шаҳар клиник шифохонаси	670	25	1	11	1	5	5	1	1
12	4-сонли шаҳар болалар клиник шифохонаси	184	17		8	4		4	1	
13	"4-сон шаҳар Юқумли касалликлар шифохонаси	59	5		2	1	1	1		
14	6-сон Болалар стоматологияси поликлиникаси	90	10		5	1	1	2	1	
15	Тошкент шаҳар Перинатал маркази	626	25		11	2	5	4	2	1
16	Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази	124	10		6	1	1	1	1	
17	Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий-амалий тиббиёт маркази	791	50	1	26	5	5	9	3	1
18	Дори-дармон Акциядорлик компанияси	460	20		19	1				
19	"SALUS-VITA" масъулияти чекланган жамияти	123	6		5			1		
20	Ezgu niyat ko'p tarmoqli poliklinikasi	180	9		6	1	1	1		
21	3-сон мактабгача таълим ташкилоти	40	1		1					
22	21-сон мактабгача таълим ташкилоти	30	2	1				1		
23	27-сон мактабгача таълим ташкилоти	52	5		3			1	1	

24	71-сон мактабгача таълим ташкилоти	52	5		3	1		1		
25	76-сон мактабгача таълим ташкилоти	42	4		1	1		1	1	
26	84-сон мактабгача таълим ташкилоти	36	3		1	1		1		
27	111-сон мактабгача таълим ташкилоти	40	3		1	1		1		
28	112-сон мактабгача таълим ташкилоти	33	3		2			1		
29	140-сон мактабгача таълим ташкилоти	55	5	1	2		1	1		
30	171-сон мактабгача таълим ташкилоти	75	7		3	1		1	1	1
31	185-сон мактабгача таълим ташкилоти	45	4		2	1			1	
32	187-сон мактабгача таълим ташкилоти	23	2		1	1				
33	197-сон мактабгача таълим ташкилоти	94	5		2	1	1		1	
34	211-сон мактабгача таълим ташкилоти	20	2		1	1				
35	226-сон мактабгача таълим ташкилоти	29	2		1				1	
36	229-сон мактабгача таълим ташкилоти	72	6	1	4			1		
37	241-сон мактабгача таълим ташкилоти	29	3		2			1		
38	243-сон мактабгача таълим ташкилоти	46	4		2	1		1		
39	259-сон мактабгача таълим ташкилоти	40	4		2	1		1		
40	295-сон мактабгача таълим ташкилоти	22	2		1			1		
41	321-сон мактабгача таълим ташкилоти	40	4	1	2					1
42	327-сон мактабгача таълим ташкилоти	30	2		1					1
43	330-сон мактабгача таълим ташкилоти	23	2		2					
44	342-сон мактабгача таълим ташкилоти	36	2		2					
45	343-сон мактабгача таълим ташкилоти	67	5		3	1		1		

46	412-сон мактабгача таълим ташкилоти	34	3		1	1		1		
47	445-сон мактабгача таълим ташкилоти	54	4		1	1	1	1		
48	448-сон мактабгача таълим ташкилоти	52	5		3			2		
49	456-сон мактабгача таълим ташкилоти	46	4		1	1		2		
50	461-сон мактабгача таълим ташкилоти	36	2		1	1				
51	468-сон мактабгача таълим ташкилоти	52	5	1	2	1		1		
52	484-сон мактабгача таълим ташкилоти	62	6		3	1		2		
53	491-сон мактабгача таълим ташкилоти	33	3		1	1	1			
54	497-сон мактабгача таълим ташкилоти	51	4		2	1		1		
55	516-сон мактабгача таълим ташкилоти	37	3		2					1
56	527-сон мактабгача таълим ташкилоти	36	4	1	2			1		
57	567-сон мактабгача таълим ташкилоти	48	4	1	2	1				
58	568-сон мактабгача таълим ташкилоти	32	2		1			1		
59	588-сон мактабгача таълим ташкилоти	87	8		4	1	1	2		
60	607-сон мактабгача таълим ташкилоти	30	2		1			1		
61	АТБ Турон банк Республика апарати	241	5		4			1		
62	Турон банк АТБ Марказий амалиёт бошкармаси	68	5	1	1	1	1	1		
63	ХАТБ "DAVR-BANK" амалиёт бошқармаси	59	5		2	1	1	1		
64	Халқ банки Тошкент шахар филиали амалиёт бўлими	93	8	1	3	1	1	2		
65	Акциядорлик тижорат Асака банки Шайхонтохур филиали	87	5		2	1	1	1		

66	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	321	16		5	4	5	2		
67	“Agrobank” ОАТБ Тошкент вилояти худудий филиали	25	2		1	1				
68	“Asia Alliance Bank” ОАТБ Шайхонтохур филиали	57	5	1	1	1	1	1		
69	INVEST FINANCE BANK АТБ ШАЙ.ФЛ	42	3		1	1	1			
70	“Ипак йўли банк” АТБ	69	4	1	2		1			
71	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Нодирабегим филиали	163	7	1	2	2		2		
72	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Тошкент вилоят минтақавий филиали	89	7	1	3	1	1	1		
73	“Ўзсаноатқурилишбанк” марказий амалиёт минтақавий филиали	89	7	1	3	1	1	1		
74	“Kapitalbank” акциядорлик тижорат банки Чорсу филиали	85	8	1	2	1	2	2		
75	ХАТБ "RAVNAQ-BANK"	112	9	1	3	2	1	2		
76	“Ҳамкор банк” Шайхонтоҳур тумани филиалли	56	5	1	1	1	1	1		
77	“Савдогарбанк” Шайхонтоҳур тумани филлиали	68	6	1	1	1	1	1		1
78	“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки	220	4	1	1		1	1		
79	Туман халқ таълим бўлими	48	4	1	1		1	1		
80	3-сонли мусиқа ва санъат мактаби	53	5	1	1		1	1	1	
81	11-сонли Болалар мусиқа санъати мактаби	46	4	1	1		1		1	

82	23-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби	52	5		1	1	1	1	1	
83	10-сонли умумий ўрта таълим мактаби	50	5	1	1	1	1		1	
84	13-сонли умумий ўрта таълим мактаби	74	6	1	1	1	1	1	1	
85	19-сонли умумий ўрта таълим мактаби	68	4		1	1	1	1		
86	20-сонли умумий ўрта таълим мактаби	75	5	1	2		1	1		
87	34-сонли умумий ўрта таълим мактаби	114	8	1	4	1	1	1		
88	37-сонли ёрдамчи мактаби	71	4		1	1	1	1		
89	39-сонли умумий ўрта таълим мактаби	47	3	1		1		1		
90	40-сонли умумий ўрта таълим мактаби	71	5	1	1	1		1	1	
91	41-сонли умумий ўрта таълим мактаби	120	8	1	2	1	1	1	1	1
92	42-сонли умумий ўрта таълим мактаби	110	7	1	1	1	1	1	1	1
93	42 а- сонли умумий ўрта таълим мактаби	46	4		1	1		1	1	
94	45 (34-а)-сонли умумий ўрта таълим мактаби	57	6	1	1	1	1	1	1	
95	59-сонли умумий ўрта таълим мактаби	80	6		2	1	1	1	1	
96	82-сонли умумий ўрта таълим мактаби	54	4		1	1	1	1		
97	84-сонли умумий ўрта таълим мактаби	57	4		1	1	1	1		
98	85-сонли умумий ўрта таълим мактаби	43	4	1	1	1		1		
99	92-сонли умумий ўрта таълим мактаби	57	5	1	3	1				
100	102-сонли умумий ўрта таълим мактаби	104	7	1	1	1	1	1	1	1
101	113-сонли умумий ўрта таълим мактаби	35	3	1	1			1		
102	132-сонли умумий ўрта таълим мактаби	86	5		1	1	1	1	1	
103	136-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	3		1	1		1		

104	141-сонли умумий ўрта таълим мактаби	35	3		2			1		
105	157-сонли умумий ўрта таълим мактаби	63	6		4			2		
106	169-сонли умумий ўрта таълим мактаби	121	9	1	3	1	1	1	1	1
107	180-сонли умумий ўрта таълим мактаби	91	8	1	2	1	1	1	1	1
108	180А-сонли умумий ўрта таълим мактаби	45	3		1		1	1		
109	186-сонли умумий ўрта таълим мактаби	80	8	1	3	1	1	1	1	
110	192-сонли умумий ўрта таълим мактаби	47	4		1	1	1	1		
111	254-сонли умумий ўрта таълим мактаби	82	4		3	1				
112	262-сонли умумий ўрта таълим мактаби	89	5		1	1	1	1	1	
113	276-сонли умумий ўрта таълим мактаби	74	5		1	1	1	1	1	
114	299-сонли умумий ўрта таълим мактаби	80	6	1	1	1	1	1	1	
115	314-сонли умумий ўрта таълим мактаби	82	8	1	2	1		4		
116	316-сонли умумий ўрта таълим мактаби	64	6	1	1	1	1	1	1	
117	320-сонли умумий ўрта таълим мактаби	86	8	1	2	1	1	1	1	1
118	324-сонли умумий ўрта таълим мактаби	98	5		1	2	1	1		
119	БАМ Баркамол авлод	40	4	1	2			1		
120	"SUVSANOATFUQAROLI" масъулияти чекланган жамият	38	2		2					
121	"Мелиомашлизингсервис" шўъба корхонаси	47	1		1					
122	ЎзР ФА "Лабзак мехмонхонаси"	40	1		1					
123	"UZGIP" МЧЖ	202	17	1	11	1	4			
124	"O'ZBEKISTON" NASHRIYOT MATBAA IJODIY UYI"	44	4	1	1		1	1		

125	"G'.G'ULOM NOMIDAGI NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI"	226	8	1	3		2	2		
126	Ўзбек Миллий академик драма театри	227	16	1	3	3	4	3	2	
127	МОЛОДЁЖНЫЙ ТЕАТР УЗБЕКИСТАНА	23	1		1					
128	Ўзбек Давлат драма театри	160	11	1	5	4		1		
129	Государственное предприятие "MA'MURIY BINOLARDAN FOYDALANISH BOSHQARMASI"	27	2		1			1		
130	“Uzautotrans servise”	159	5		5					
131	ГУП "URANKAMYOBMETGEOLOGIYA"	238	19	1	14	1	2	1		
132	ООО “INTRAN SERVIS”	172	10		6		4			
133	Алишер Навоий номли Кино саройи	47	1		1					
134	“Кўкча кошонаси” масъулияти чекланган жамияти	22	1		1					
135	“Трест 12” АЖ 65-қурилиш бошқармаси	33	2		1				1	
136	"Трест 12" Акциядорлик жамияти 52-қурилиш бошқармаси	43	4		1		1		2	
137	Давлат санитария эпидемиология назорат маркази	45	3		2			1		
138	Ипакчилик илмий тадқиқот институти	70	3		1	1		1		
139	"SUVLOIXA" давлат корхонаси	49	2		2					
140	"2-RESPUBLIKA TIBBIYOT KOLLEJI"	30	3		2		1			
141	Toshkent shahar davlat arxitektura-qurilish nazorat inspektsiyasi	34	2		2					

142	"TOSHKENT SHAHAR PERINATAL MARKAZI"	626	41	1	25	1	2	10	1	1
143	"TOSHKENT METROPOLITENI" davlat unitar korxonasi	3184	198	1	180	3	3	5	3	3
144	Ш.А.Алимов номидаги фтизиатрия ва пульмонология Ўзбекистон илмий-текшириш институти	586	17	1	12	1	1	1	1	
145	"KAFOLAT" суғурта компанияси АЖ	84	6	1	1	1	1	1	1	
146	ДУК "ALOQALOYIHA"	60	6		2	1	1	1	1	
147	"ЎЗБЕКЦИРК" республика бирлашмаси	447	35	1	25	2		5	2	
148	"TUTZOR-NON" хусусий корхонаси	97	6		3		2	1		
149	"DD GENERAL INSURANCE" масулъияти чекланган жамияти	84	4		2		2			
150	"TO'RTINCHI" масуълияти чекланган жамияти	178	8	1	2	1	1	1	1	1
151	TOSHKENT SHAHAR HOKIMIYATI QOSHIDAGI YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA"	84	4		2			2		
152	"JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI QOSHIDAGI SHAYXONTAHUR AKADEMIK LITSEYI"	154	6		4		1	1		
153	"O'zbektelefilm"	90	7	1	4	1		1		
154	Ўзбекистон давлат консерваторияси	426	10	1	4	1		4		
155	"HAMKOR IMKON BIZNES" масъулияти чекланган жамияти	44	2		2					

156	“Topalang HPD Holding” МЧЖ	88	8		2	1	1	2	1	1
157	Тошкент Давлат Юридик Университети қошидаги Академик лицей	40	4		1	1	1		1	
158	“INFRANET ASIA” MA SULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI	462	6		3	1	1	1		
159	“O ZBEKGIDROENERGOQURILISH” OAЖ	128	10		6	1	1	2		
160	“VALIYSARKOR” MCHJ	208	15		7	2		2	2	2
161	“Амити” университетит	22	1		1					
162	A.O “Ташгипрагор”	265	8		3		2	3		
163	“Шер Бек Савдо” МЧЖ	88	8		2	2	2	2		
164	Чорсу буюм Савдо Комплекси	37	3		1		1	1		
165	"INVEST QURILISH RAVNAQ" M.CH.J	100	7		2	1	2			2
166	"CENTRAL GARDENS" M.CH.J	142	4		1	1	1	1		
167	Toshkent shahar Davlat soliq boshqarmasi	247	6		4		2			
168	Shayxontohur tumani Davlat soliq inspeksiyasi	167	4		3		1			
169	O'ZBEKISTON BANKLARI ASSOTSIATSIYASI	83	6		2		2	2		
170	O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI POLIMERLAR KIMYOSI VA FIZIKASI INSTITUTI	107	5		2	1	1	1		

171	"KO'KALDOSH" Toshkent islom o'rta maxsus majmuasi	134	8		3	2	1	1	1	
172	"O'ZBEKKINO" Milliy agentligi	46	3		1		1	1		
173	SUV SPORTI TURLARI BO`YICHA RESPUBLIKA OLIY SPORT MAHORATI MAKTABI	118	8		3	2	1	1	1	
174	O'ZBEKISTON AVTOMOBIL TRANSPORTI AGENTLIGI	756	16		9	2	3	2		
175	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY OLIMPIYA QO'MITASI	54	6		2	1	2	1		
176	BYUDJETDAN TASHQARI PENSIYA JAMG'ARMASI TOSHKENT SHAHAR SHAYXONTOHUR TUMANI BO'LIMI	29	1			1				
177	O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI	55	3		2			1		
178	Ўзбекистон киличбозлик федерацияси	39	2		1		1	1		
179	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANOAT XAVFSIZLIGI DAVLAT QO'MITASI	230	8		4	1	1	2		
180	"O'zstandart" agentligi qoshida Texnik jixatdan tartibga solish, standartlashtirish, sertifikatlashtirish va metrologiya sohasidagi qonunchilik talablariga rioya qilinishini ta'minlash departamenti	84	7		3	1	1	2		
181	"ASIA ELECTRON" M.CH.J	270	5		2	1	1	1		

182	"INTERYER BISNES" mas`uliyati cheklangan jamiyati	81	5		1	2	1	1		
183	"ZIYO-ZUKKO UMUMTA'LIM MAKTAB" M.CH.J	96	5	1	1	1	1	1		
184	"DILDORA-F" xususiy korxonasi	45	3		1	1	1			
185	"SHARQ TELEKOM" M.CH.J	49	2		1			1		
186	"TURON MEDIA" xususiy korxonasi	39	1		1					
187	"UNG PETRO" M.CH.J	170	8		5			3		
188	"KONTINENT AZIA" M.CH.J	96	5		2	1	1	1		
189	"TRUST MEDIKAL CENTRE" M.CH.J	69	5		3	1		1		
190	"MEDIK-AS" mas`uliyati cheklangan jamiyati	44	2		2					
191	"POLIMER-OSNASTKA" M.CH.J	58	3		2	1				
192	"UNIVERSAL-FARM-PLUS" mas`uliyati cheklangan jamiyati	43	3		2			2		
193	"MAK FOOD SERVIS" M.CH.J	161	6		3			3		
194	"VALIYSARKOR" mas`uliyati cheklangan jamiyati	120	10		5	2	1	2		

195	"R-F FORTUNA TEX" M.CH.J	165	6		2	1	1	2		
196	"AZIZ POLVON TRANS SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati	40	2		2					
197	"ANIS PRO PRODUCT" M.CH.J	79	4		2	1		1		
198	"PRIME TOWER GROUP" M.CH.J	168	6		2	2	1	1		
199	"LABZAK PROMED" M.CH.J	175	4		1	1	1	1		
200	"EXCELLENT SWEETS STORE" xususiy korxonasi	66	4		1	1	1	1		
201	"LOGISTICS PRO'S" M.CH.J	100	5		2	1	1	1		
202	"ELITE HOME" M.CH.J	98	4		1	1	1	1		

203	"PREMIUM RESIDENCE" M.CH.J	108	5		2	1	1	1		
204	"HIGH LAND CITY" M.CH.J	570	23		20	1	1	1		
205	"REAL CONSTRUCTION COMPANY" xususiy korxonasi	140	4		2	1		1		
206	"SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI" unitar korxonasi	478	27		20	2	2	2	1	
207	1-сон Қурилиш дирекцияси унитар корхонаси	2471	11		8	2		1		
208	"UZPAYNET" M.CH.J	76	5		2	1	1	1		
209	“Ўзагролизинг” АЖ	40	2		2					
210	Ободонлаштириш бошқармаси	539	37					14	22	1

211	Шайхонтоҳур Махсустранс корхонаси	116	5			1	1	2	1	
212	TOSHISSIQQUVVATI ИШ ЧИК БИР	3662	169		149		1	10	8	1
213	Пахтакор футбол клуби	320	20		20					
	Жами:	33754	1798	62	1010	172	162	263	98	31